


**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

**ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР БЎЙИЧА

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



Наманган - 2007.

Мазкур ўқув-мавзу режа А. Авлоний номидаги халқ таълими Педагог Ходимларини Малакасини Ошириш Марказий Институти ректорати томонидан 2005 йил 30 декабр №01(9 рақамли тақдим этилган) «Халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг таянч ўқув режалари» ва улар асосида тайёрланган. Ундан умумий ўрта таълим мактабларининг барча фан ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчилари курси ҳамда шу соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Тайёрлади: А. Мамажонов – НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси.

М. Тўрабоев – НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси

А. Хусайнов – НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Н. Йўлдашева – НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳ. Шарифбоев – НВПКҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедрасининг катта ўқитувчиси

Ушбу маъруза матнлари ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедрасининг 20__ йил _____ ойидаги _____ сонли қарори билан НВПКҚТМОИ илмий кенгашига тавсия этилган.

Институт илмий кенгаши (20__ йил _____ даги _____ сонли баённома) билан нашрга тавсия этилган.

Кириш.

Ушбу маъруза матни халқ таълими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш курсларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусидаги 2005 йил 28 январдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигида «Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлар ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият» маърузаларини ўрганиш юзасидан тавсия этиладиган мавзулар матни, тест материаллари ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

Ушбу маърузани ҳар бир тингловчи чуқур ўрганиши ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни ўзи учун тўғри белгилаб олишини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Ушбу маърузани ўрганиш жараёнида Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 27 январдаги биринчи йиғилишида «Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси» мавзусидаги нутқидан фойдаланиши мумкин.

Президент Ислон Каримовнинг 2005 йил 27 февралда Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишидаги «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» деб номланган нутқини чуқур ўрганиш ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш зарур.

Президент Ислон Каримовнинг ушбу маърузасидан қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълимининг таянч ўқув режасида» Ижтимоий фанлар бўлимининг «Иқтисодиёт масалалари», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари» фанида кўзда тутилган мавзуларни ўрганишда фойдаланиш. Масалан, «Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фанини ўрганишда «Жамият ривожини ва бунёдкор ғоялар», «Тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг аҳамияти», «Диний бағрикенглик», «Ақидапарастликнинг реакцион моҳияти» каби масалаларни кенг ёритиш.

Институтда ташкил этилган доимий ҳаракатдаги семинарларда Президентимизнинг маърузасини чуқур ўрганиш бўйича ўқувлар, давра суҳбатлариташкил этиш.

Президент Ислон Каримовнинг Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини курс тингловчилари, профессор-ўқитувчилар томонидан мукамал ўрганилиши натижасида уларда мамлакатимизда рўй бераётган янгиланиш ва ривожланиш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш ҳақида чуқурроқ билим, тажриба ҳосил бўлиши уларни юқори малакага эришишларига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 23 февралдаги 2!1-ХБ-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги буйруғи асосида халқ таълими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш курслари учун тавсия қилинади.

28 январь 2005 йил

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир» ҳамда Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият» номли маърузалари бўйича ўқув дастури.

№	Мавзулар	Соатлар		
		Маъ	Семин	Ж
1.	Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлиси Даги «Бизнинг бош мақсадимиз-жамият ни демократлаштириш ва янгилаш, мамла катни	2	2	4

	модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасининг мазмун моҳияти			
2.	Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият» номли маърузасининг мазмун моҳияти.	2	-	2
Жами:		4	2	6

1-2 Мавзу.

Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.

Мақсад:

- Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлиси тўғрисидаги ахборот билан таништириш;
- Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш устувор вазифа ва мақсад эканлиги ҳақида маълумотлар бериш;
- Парламентни роли ва таъсирини кучайтириш, суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш устувор вазифа ва йўналиш эканлигига эътибор қаратиш.

Қўйилган натижа:

- Давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг босқичма-босқичлик тамойилига амал қилаётганлик тўғрисида маълумот оладилар;
- Президент ваколатларининг бир қисмини парламентнинг юқори палатаси – сенатга ва ҳукуматга ўтганлиги, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайганлигини билдилар;
- Суд-ҳуқуқ тизимида янги концепцияни амалда жорий этилгани, судларнинг жинсий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви ҳақидаги тушунчага эга бўладилар.

Қўйилган қуроллар:

- Президент И. А. Каримовнинг 2005 йил 28 январ қўшма мажлисдаги маърузаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX ва XIV сессиядаги Президент маърузаси;
- Президент маърузаларидан цитаталар;
- Тарқатма материаллар, тестлар.

Услуб: Маъруза

Режа:

1. Қўшма мажлис тўғрисидаги ахборот.
2. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа.
3. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш (эркинлаштириш)

Мавзу баёни

Республика президенти юртимизда бўлиб ўтган сайлов якунларига тўхталиб ўтгандан сўнг ўзининг асосий мақсади – жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва

ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни баён этиш эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бизнинг асосий мақсадимиз – Демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир. БУ ишларни амалга оширишда биз учун энг биринчи даражадаги вазифа мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш эканлигини айтиб ўтди. Президент мамлакатимиздаги қолоқлик ва камбағаллик муаммоларини ҳал этишда юқоридаги вазифаларни амалга ошириш заруриятини кўрсатиб ўтди.

Президент ўз маърузасида жамиятдаги ислохотларни амалга оширишда 5 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

I. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа – бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

1. Президент ваколатларини бир қисмини Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, қонунчилик палатасини ваколатлари ва ҳуқуқларини кучайтириш.
2. Бош вазир ва вазирлар маҳкамаси масъулиятини кучайтириш.
3. Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш.

Президент ўз маърузасида икки палатали парламентни шакллантиришдан мақсадимиз ҳақида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди.

1. Парламент ўз ваколатларини амалга ошириш учун ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.
2. Қонунчилик палатаси ўз ишини профессионал тарзда олиб бориб, шу сифатини кескин ошириш.
3. Сенат ўз вазифасини бажаришда умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.
4. Мамлакат ҳаётида аҳолининг иштирокини (барча соҳада) кенгайтириш. Юқоридаги мақсадларнинг барчаси «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни ўзида ифода этади.
5. Маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кенгайтириш.
6. Сиёсий партия ва фуқаролик институтларининг (ноҳуқуат, жамоат ташкилотлари) ролини кучайтириш.

Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан мақсад шуки, давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолиятлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

Президент ўз маърузасида мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Бундан қўлланган мақсад бизда амалга оширилаётган янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзини ўзгариши, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан биргаликда босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга аҳамият бериш.

Мустақиллик йилларида суд ҳуқуқ тизимининг янги концепцияси амалга жорий этилди. Судларнинг жинойий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Қонунчилик асосан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институлари жорий этилди. Тергов суришитрув ишлари ва кишиларни ҳибсда сақлаш удатлари сезиларли даражада қисқарди. Судларда ишларни кўриб чиқишнинг қатъий муддати белгиланади. Бугунги кунда суд жараёнида прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда. Мамлакат жинойий қонунчилигини таъминлаштириш юзасидан

анча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди. Жиноят ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларга муддатидан олдин озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитини энгиллаштириш имконини яратди. Натижада жазони манзил колонияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча камайди. 1990 йил манзил колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7% бўлган бўлса. Ҳозир 21% ни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич АҚШ да 715, Россияда 584, Украинада 416, Қозоғистонда 386, Қирғизистонда 390, Эстонияда 339 кишидан иборат.

Қонунчиликда ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустақамлашда ижобий омил бўлди. Бу усул натижасида 26 мингдан ортиқ киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Бунда биз давлат сиёсатидан кўзланган мақсадларни тўғри тушунишимиз ва бундан тўғри хулоса чиқаришимиз керак.

Суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда бир қанча муаммолар ҳам бор эканлигини президент ўз маърузасида куйидагича баён этди. Прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш, бу энг аввало инсоннинг конституциявий эркинликлари ва ҳуқуқларини дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишли.

Шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш. Суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз зарур бўлган масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Мустақиллик йилларида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди. Ҳозирги кунда террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасддан одам ўлдирганлиги учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Айни вақтда ўлим жазосини хотин-қизларга, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга қўлланилиши ман этилади. Бу масалада чуқур ўйлаб иш қилиниши керак. Аввало, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш керак ва бунга анча вақт керак бўлади.

Бугунги кунда дунёнинг 72 та давлатида ўлим жазоси тўлиқ бекор этилган, 30 та мамлакатда 15 йилдан бери бу жазо тури қўлланилмаяпти. Ўлим жазоси ҳозирги кунда Африка мамлакатларида, шариат қонунлари амалда бўлган араб давлатларида, шу билан бирга Хитой, Япония ва МДХ га аъзо давлатларда (Озарбайжондан ташқари) сақлаб қолинган. АҚШ нинг 36 та штатида ҳам ҳали бекор қилинмаган. 1977 йил ўлим жазоси бўйича мораторий бекор қилинган ва ўшандан буён 900 дан ортиқ маҳбус қатл этилган. АҚШ да 2004 йил 65 киши қатл этилган, Техасда 24 та, Оклахомода 17 та. 2003 йил АҚШ да ўлим жазоси берилган маҳбуслар (3374) ҳозир ҳам ҳукм ижросини кутиб ётибди. 2002 йилгидан 188 та кам.

Қатл этиш бўйича Хитой 1 ўринда 2004 йил 500 маҳбус қатл этилган. Бу кўрсаткич дунёда қатл этилганларнинг 90%ни ташкил этади.

Мораторий – ҳуқумат томонидан берилган муаммони орқага суриш.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги масалалардан бири суд-ҳуқуқ тизимида хизмат қилувчи ходимларнинг масъулиятини кучайтириш керак, чунки бу одамлар ўз бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши ҳокимиятни обрўси ва кишиларни адолатга бўлган ишончини белгилайди.

Вилоят ИИБ тергов бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида 2006 йил давомида 3961 та жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилди, жиноятишлари юзасидан етказилган 2 млрд 788 млн, 78 сўм моддий зарарнинг 2 млрд 539 млн 525 минг сўм ёки 91, 9% дастлабки тергов жараёнида ундирилиб, қонуний эгаларига қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 66-1 моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан

ярашса ва етказилган моддий зарарни бартараф этса, жиноий жазодан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан энг аввало, озодликдан махрум этиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик тамойиллари йил сайин кучайтирилмоқда.

Қонун дастлаб қабул қилинганда ярашув институти борасида қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар туркуми 26 тани ташкил этган бўлса, киритилган кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли 31 тага етказилди.

Қонунга киритилган энг муҳим ўзгартиришлардан бири оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган шахслар жиноят кодексининг 66-1-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этган тақдирда, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланди.

Ярашув институтининг жорий этилгани халқимизнинг азалий қадриятига мосдир. Эҳтиётсизлик оқибатида, билмай ёки жаҳл устида бир-бирига азият етказиб, кейин ўзаро келишиб кетсаю, қонун давогар бўлиб турса, бу мантикка тўғри келадими?

Яраштирув институти қўлланиши оилаларнинг бутунлигини сақлаб қолиш, турли зиддиятларга ўрин қолдирмай, қўни -қўшничилик, қариндош уруғчилик каби миллий қадриятларимизнинг қарор топиши, рҳоли ўртасида тотувлик ва барқарорликни таъминлашга катта хизмат қилмоқда .

2006 йилнинг ўзида 487 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Вилоятда 2006 йилда қотиллик, босқинчилик, номусга тегиш, ўғирлик камайди.

Қонун ҳимоячилари шўро давридан қолган эски иллатлардан халос бўлиши, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатлари тубдан ўзгартиришлари керак. Президент ўз маърузасида яхши қонунлар қабул қилинганлиги, лекин уларга ўзимиз амал қилмаётганлигимизга ҳам тўхталиб ўтди.

2006 йил ноябрда мамлакатимиз президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83 моддасига асосан Олий Мажлиснинг Қуйи палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида»Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демокротлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига(89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига)тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ўриб чиқиш учун киритди.

Ватанимиз ўз истиқлолини қўлга киритганидан буён ўтган давр ичида барча йўналишларда бўлганидек, ҳуқуқий тизимда ҳам мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилаётганлигига барчамиз гувоҳимиз. Қабул қилинаётган барча қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда инсон омилига эътибор давлат сиёсати даражасида эътироф этилмоқда. Бош қомусимиз-Конституциямизнинг 2-моддасида»Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» даб белгилаб қўйилгани ҳам фикримиз далилидир. Ўтган 15 йил давр мобайнида олий мажлис томонидан қабул қилинган 700 дан ортиқ қонунларнинг ҳар бирида биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг манфаатлари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг айрим моддаларига(89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, вэ вақтида ишлаб чиқилган ҳужжатдир десак муболағи эмас. Хусусан Конституциянинг 89-моддаси янги тахрирда қуйидагича белгиланмоқда:»Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди». Амалдаги модданинг мамлакат президенти Ўзбекистон Республикасида бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи экани тўғрисидаги

номанинг Бош қомусимиздан чиқариб ташланаётгани дунёдаги кўплаб демократик давлатларининг конституцияларидаги ш тахлит тахрирларга тўлиқ мос тушади.

Умуман, юқорида кўрсатиб ўтилган тузатишларни Конституцияга киритишдан асосий, мақсад давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, Ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг тузилмасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, энг асосийси эса, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини янада оширишдир.

Мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиши матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш.

Ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақида танқидий фикрлар, ислохотлар ва янгилашлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошқора, профессионал таҳлилий материаллар тайёрлаш ва уларнинг халқимизга етказиб берилишини таъминлаш.

Ўз-ўзини цензура қилишдан, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятидан қутулиш.

Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш. Бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозимлиги.

Оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузишнинг фурсати етганлиги.

Фонднинг ташкил этилиши мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлай оладиган электрон, босма ва бошқа турдаги, шу жумладан, хусусий ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини кўллаб-қувватлашга ёрдам бериши.

Давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласини кўриб чиқиш.

Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат теле-радиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мамуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.

2005 йил ва кейинги йиллар учун мўлжалланган ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашда унинг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати эканлиги.

Халқаро муносабатларни мафқуралаштиришга бўлган ҳар қандай уринишга Ўзбекистоннинг қатъиян қарши позицияси.

Марказий Осиёда тинслик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш – ташқи сиёсатнинг муҳим устувор йўналиши.

Минтақамиздаги мавжуд аҳволни баҳолаганда Афғонистондаги вазият билан бир қаторда стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олишга тўғри келиши.

Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа таҳдидлар ҳамон сақланиб қолаётганлиги.

Марказий Осиёда яшаётган халқларнинг муҳим заътий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологик характердаги умумминтақавий масалаларни ечиш учун ўзаро ҳамжиҳатлик ва амалий ҳаракатлар механизминини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шати ҳисобланиши.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳозирги замоннинг бошқа долзарб муаммоларини ҳал этиш ҳаракати тарафдори эканлиги.

Европа китъасидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Халқаро валюта фонли, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолавериши.

Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар – АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериши.

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолаётганлиги. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатларга қарши жаҳон ҳамжамиятининг муросасиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлаши.

2004 йилдамамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий яқунлари: иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланиши; биринчи марта инфляция даражаси энг паст-3, 7 фоизга тушиши; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташил этиш тизимининг тубдан ўзгартирилиши; маҳсулот экспорти бўйича сезиларли натижаларга эришилгани; кичик бизнес ва хусусий тармоқ қўлами ҳамда ҳажмининг салмоқли даражада ўсиши; мамлакат реал иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошиши; иқтисодиётни таркибий ўзгаришига қаратилган чора тадбирлар босқичма – босқич амалга оширилиши; ўз маблағларимиз ва жалб қилинган сармоялар ҳисобидан йирик sanoat, коммуникация инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотлар бунёд этилиши; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга қаратилган мамурий ислохотларнинг босқичма- босқич татбиқ этилиши ва ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги.

Давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилиши, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, тақсимлаш функцияларининг кескин қисқартирилиши.

2005 йилдаасосий устувор вазифа аввалгидек- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатэканлиги.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолиги муносибтурмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўйиши.

Иккинчи устувор вазифа—хусусий тармоқнингжадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодидаги улуши кўпайишини таъминлаш.

Бу соҳада энг муҳим вазифалар қуйидагилар:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада уўпроқ чеклаш.
2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқишнинг ҳам фурсати келганлиги. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар томонидан етказилган зарар ихтиёрий равишда тўлиқ қопланган ҳолларда уларга қўлланадиган жазодан воз кечиш кераклиги.
3. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланганишларни давом эттириш.

4. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубхасиз, бу соҳага молиявий кўмак, кўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақазо этиш. Учинчи муҳим устувор вазифа—кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш. 2007 йилга келиб, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилиши. Шу мақсадда олдимизда турган тўртта масала. Тўртинчи устувор вазифа- банк ва молия тизимларидаги ислохотларини чуқурлаштириш. Бешинчи устувор вазифа – уй- жой- коммунал хўжалигини ислох қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратиш. Олтинчи муҳим устувор вазифалардан бири –солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш. Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозимлиги.

ОАВ ни ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш. Бунда асосий вазифа – матбуот, телевидения, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларни мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат. Чунки халқ ОАВ дан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга биринчи навбатда ҳокимият органлари вабошқарув тузилмалари ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлида илгарилашга тўсиқ бўлган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошқора, профессионал тахминий материалларни кутади. Ҳозирги кунда социализм давридаги цензурадан жуда қийинчилик билан халос бўлишимиз биргаликда журналистлар фаолиятида ўз-ўзини цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятлари бор. ОАВ ни эркинлиги ва мустақамлигини таъминламасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларни мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча халқимизда жуда мустақам. Бу соҳада қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз керак.

1. ОАВ ни иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак, чунки бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлади. Бу вазифани амалга оширишда президентимиз ОАВ ни қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фондини ташкил этиш керак деган фикрни олға сурди. Бу фонднинг молиявий асосини давлат ва нодавлат тижорат тузилмаларининг хомийлик маблағлари ташкил этиши керак. Фонд маблағлари ОАВ ни ривожлантириш, уларни моддий техника базасини мустақамлаш ва айни вақтда журналистлар ва техник ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилиши керак. Бу ишлар мамлакатимиз ва хориждаги етакчи таълим муассасалари ва теле-радио журналистика марказларида малака ошириш орқали амалга оширилиши мумкин.
2. Бугунги кунда давлат телевиденияси негизида жамоатчилик телевиденияси каналини босқичма-босқич шакллантириш, теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ржодий рақобатини вужудга келтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Президент маърузасида ҳозирги кунда вилоятлар телестудияларида моддий техника база ва ходимларнинг касб маҳорати заифлиги

ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Ҳозирги даврда интернет кундан-кунга ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келаётган бир пайтда одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш авжига чиққат вақтда бу вазифа нақадар долзарб ва устивор эканлиги барчамизга аниқ ва равшан.

Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.

4 устивор йўналиш ташқи сиёсатдир.

Биз ғурур ва ифтихор билан айта оламиз. Мустақилликдан сўнг қисқа вақт ичида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, обрў-эътибори ортмоқда.

- ижобий ўзгаришлар
- барқарорлик бўлмоқда

Президент таъкидлади: «Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта, у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир».

Миллий манфаатларимиз мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қиламиз. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳққидига айлантиришни ташқи сиёсатимизни муҳим устивор йўналиши қилиб белгилаб олганмиз.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклашда ёрдам бериш лозим. У ерда гиёҳванд моддалар и/ч ҳажми ортмоқда. Бу кўшнилари ташвишга солмоқда. «Кўшнинг тинч – сен тинч» нақлга амал қилиш жоиздир.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, МДХ билан ҳамкорлик, яна БМТ билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа иттифоқи, НАТО билан ҳамкорлик қиламиз.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки билан алоқа ташқи сиёсатимизни устивор йўналиши бўлиб қолаверади.

Етакчи давлатлар АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва бошқалар билан ҳамкорлик ривожлантирилади.

Ҳозирги кунда халқаро терроризм, экстремизмга қарши кураш учун бирлашиш лозим. Бу XXI аср вабоси. Бу офатни бартараф этиш учун аввало, бу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш керак. , яъни ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафқурасини яратишга қарши курашмоқ керак. Ал-қоида, Ҳизбут таҳрирга қарши курашиш керак. Марказий Осиё нафақат ядросиз зона, балки биологик, кимёвий қуролдан ҳам холи зона бўлиши керак.

Халқаро терроризм бу қуролларга эга бўлишга интилмоқда. Минтақамиз атрофидаги давлатларда ядровий қуроллар мавжуд. Марказий Осиё ядровий таҳдиддан ҳимояланган эмас.

1997 йил Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи зона дейилган. Аммо бунини охирига етказиш даркор. Бу ҳам бизнинг устивор вазифамиздир.

Иқтисодий соҳадаги устивор йўналиш. 2004 йилги ютуқлар барчамизни қувонтиради. Ялпи ички маҳсулот илк бор 7,7% ўсди. Жумладан, Саноат и/ч 9,4%, истеъмол моллари и/ч 13,4%, саноат товарлари и/ч 18,6% ўсди.

- 2 дан пул инфляцияси яна паст 3,7% га эришдик. Аҳолини реал даромади 15% ўсди;
- 3 дан қ/х маҳсулот и/ч 10,1% ошди. 5 миллион тоннага яқин бошоқли экинлар олинди. 3,5 миллион тонна пахта етиштирилди. 85,5 минг фермер фаолият кўрсатди;
- 4 дан экспорт ҳажми 3% га ошди. 52% тайёр маҳсулот жўнатилди. Ташқи савдо айланмаси 1 млрд АҚШ доллари ҳажмида бўлди;

- 5 дан кичик бизнес ўсди. 14% га ўтган йилга нисбатан. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан кўп янги иш ўрни ташкил этилди. Бу ўтган йилга нисбатан 14% кўпроқ кичик бизнес 35, 6% ўсди;
- 6 дан хорижий инвестицияларни жалб қилиш 150% кўпайди. Нефть, газ, тўқимачилик саноатида улуши салмоқли бўлди. Амударёга 681 метрли авто-темир йўл кўприги қурилди. Янги Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистрали бўлмоқда. Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Ангрен электр поезда йўлга қўйилди;
- 7 дан иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 40 мингдан ортиқ штат бирлиги тугатилди ёки бошқарув ходимлари сони 22% қисқартирилди.

2005 йилдаги иқтисодий ислохотларимиз. Бу бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат:

- эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш;
- давлатни иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш;
- эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий қафолатларни таъминлаш;
- иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш;
- бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги ғовларни бартараф этиш

Бу йўналишлар бўйича кўп ишлар қилинмоқда

Аҳоли даромадини ўсиши нарх-навони кўтарилишига, яъни инфляцияга олиб келмаслиги керак. Бунинг учун нақд пулни банк айланмасига жалб этиш керак.

- маъмурий жазо суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш вақти етди;
- қасддан содир этилмаган қонунбузарлик учун жазони камайтириш;
- тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда қопласа жазодан воз кечиш;
- макрокредитлаш тизимини кенгайтириш. Жаҳон банки, Осиё банкидан ёрдам.

Яна бир устивор вазифа – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш. 2007 йил кичик бизнес ялпи ички маҳсулотни 45% бериш режалаштирилмоқда. Ширкат хўжалиги фермер хўжаликка айлантирилади. 54 йил 406 та ширкат фермерга айланади.

Навбатдаги устивор вазифа – уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш.

Иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуна етарли эмас.

Қисқа муддатда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган кенг қўламли Дастур тайёрлаш, унинг ижроси бўйича қатъий чораларни кўриш даркор.

Яна бир устивор вазифа – солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.

- юқоридаги барча устивор вазифаларни бачаси солиқ сиёсатига боғлиқ;
- 1997 йилдаги қабул қилинган Солиқ Кодекси ҳозирги талабга жавоб бермайди. Сўнгги икки йилда Солиқ Кодекси ва Солиқ Қонунчилигига 100 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилган;
- солиқ тизимига фақатгина солиқларни ундириш эмас, балки рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиш лозим;
- шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, хоҳ у жисмоний, хоҳ у юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасин, даромадни яширмасин;
- солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи керак;
- янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси ишлаб чиқилиши лозим;
- эртанги кунга ишонч билан яшайлик;
- ҳеч кимдан кам эмасмиз;
- депутатлик фаолиятига бахт ва фаровонлик ёр бўлсин!

Семинар дарсида тингловчилар билан муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Тараққиётнинг ўзбек модели.
2. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизими.
3. Давлат ва жамиятни либераллаштириш деганда нимани тушунасиш?
4. Олий Мажлиснинг икки палатали парламентга ўтиши ва унинг истиқболлари.

5. Давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи –суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга нималар киради?
6. Жамиятни ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларини аҳамияти қандай бўлиши керак?
7. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида нималарни биласиз?
8. 2004 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ютуқлари ҳақида нималарни биласиз?
9. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари ҳақида нималарни биласиз?
10. Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамасинингянги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан куриб бўлмайди»мавзусидаги нутқида кўрсатиб ўтилган мутасадди раҳбар олдида турган икки муҳим талаб ҳақида.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш деганда нимани тушуниш керак?
 - А. Давлат ҳокимиятини марказлаштиришни кучайтиришни .
 - Б. Давлатда куч ишлатадиган ташкилотларни кучайтиришни:
 - С. Жамиятда тафаккур плюралиزمи
 - Д. Давлат ва жамият ҳаётида эркин ва демократик тартибларни ўрнатишни.
 - Е. Жамиятда шарият қонунлари асосида яшашни
2. Келгуси йилларда давлатнинг ривожланишида асосий, бош устувор йўналиш нима бўлиши керак?
 - А. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши;
 - В. Фуқароларимизда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш;
 - С. Давлат ҳокимиятини кучайтиришга қаратилган ички сиёсат;
 - Д. Суд-ҳуқуқ тизимини бундан кейин ҳам шакллантиришни давом эттириш;
 - Е. Мустақил ривожланиш йўлини давом эттириш.
3. Маъруза – концепциянинг иккинчи йўналиши қайси муаммони ечиш масаласига бағишланган?
 - А. Иқтисодий масалаларни ечишга;
 - В. Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларига;
 - С. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга;
 - Д. Давлат қурилиши ва бошқарув масалаларига;
 - Е. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласига.
4. Маъруза – концепциянинг учинчи йўналиши қайси соҳани ривожлантиришга бағишланган?
 - А. Давлат қурилиши ва бошқарув масалаларига;
 - В. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласига;
 - С. Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларига;
 - Д. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга;
 - Е. Иқтисодий масалаларни ечишга.

3-Мавзу:

Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда олий қадрият.

манфаатлари- энг

Мақсад:-

Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар билан таништириш;

-Ўқитувчиларнинг Ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ҳусусидаги билимларни бериш ва уларга риоя этиш йўлларини тушунтириш.

Кутилаётган натижа:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган моддалари билан чуқурроқ танишадилар, уни кундалик ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини англаб етадилар.

-қонунлар моҳиятини тушунадилар, уларга итоат этиш, ҳар бир шахснинг ўз фуқоролик бурчи эканлигини тушунадилар, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила билишни билиб оладилар.

Кўргазмалар қуроллар ва адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –тошкент . Ўзбекистон 2003.
2. И. Каримов. Ўзбекистон:Миллийистиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд –Тошкент. Ўзбекистон. 1996 йил.
3. И. Каримов. Янгича фиклаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд. Тошкент. Ўзбекистон. 1997 йил.
4. И. Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Тошкент. Ўзбекистон. 2000 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг Ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари –энг олий қадрият» маърузаси. Халқ сўзи. 8 декабр 2005 йил.

Услуб: Маъруза.

Режа:

1. Янги ҳаёт ва янги жамият қуришда Конституциянинг роли.
2. Ислохот ислохот учун эмас , аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун.
3. 2006 йил ҳомийлар ва шифокорлар йили.

Мавзу баёни.

Президент И. А. Каримов аввало барча Ўзбекистон аҳлини конституциямизнинг 13 йиллиги муносабати билан қизгин муборакбод этди. Ушбу қутлуғ сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундашлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси 13 йилдан бери эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб ўзимиз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий қонунимизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.

Президент табири билан айтганда мана шу ўтган давр мобайнида халқимизнинг сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келади.

Мустақиллик даврида биз босиб ўтган ғоят мураккаб ва маъсулиятли, машаққатли ривожланиш йўли давомида оғир синовларга дуч келганимизда Конституциямиз ҳамisha юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта таҳликали вазиятларда ягона тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хазмат қилмоқда деб таъкидлаб ўтди.

Президент Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгиланганлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий кадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтди.

Президент таъбири билан айтганда қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципларни ҳаётимизга тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Бу тамойилга айниқса биринчи навбатда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари, ўзининг кундалик фаолиятида оғишмай риоя қилишлари лозимлиги бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага ташланди. Шу ўринда олдимизда турган барча муаммо ва масалаларни ечишда»Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун»деган фикрни унутмаслик деб таъкидлаб ўтди. Чунки бугунги кунда барча соҳада нимаики иш қилинаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси шу юртда яшаётган инсонлар учун қилинаёпти.

Президент ўз маърузасида бугунги кунда юртимизда демократик давлат эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга ошираётган ишларимизни барча бирдек кузатиб турганлигини, лекин, минг афсуслар бўлсада бу йўлда ўз мақсадимизга етишишда олдимизда учраган муаммолар, қийинчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган ҳато ва нуқсонлар, тўсиқ ва ғовлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошкора гапириш, одамларга ҳолис ахборот етказиш заиф ҳолда эканлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Буларнинг асосий сабаби эса собиқ тузумга хос асоратларни кўпчилик онгида сақланиб қолганлигида деб изоҳ берди. Бу асоратлардан қутилиш учун аввало ўз-ўзимизнинг ҳато ва камчиликларимизни танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтишимиз керак деди ва қуйидаги уч нарсага алоҳида аҳамият берди.

-лоқайдлик ва бепарволикдан қутилиш.

-мамлакат ички ва ташқи жараёнларидан доимо ҳабардор бўлиб нима ҳақиқат ва ния бўлса эканлигига ўз фикрини билдира олинсин.

-ҳар бир фуқаро ўзининг ва оиласининг бугуни ва эртаси куни учун қатъий курашмоғи керак. Чунки ҳозирги кунда халқаро майдонда сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб шароитда ўз фикри ва этиқодига эга бўлган халқ енгилмас кучга айланади.

Биз ҳозирги кунда демократик жамият қуриш йўлидан борар эканмиз бунда:

-Демократияга эришиш, унинг асосларини яратиш учун кўплиб давлатларга ўн-юз йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар бу жараёнга эндигина киришмоқда,

-Барча мамлакатлар учун ягона демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Демократиянинг экспорт қилиш ва уни зўрлик билан жорий этишнинг ўзи демократияга зид.

-Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб қўйган ва бу Конституция билан мустаҳкамланган. Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэтироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади.

Бизнинг бу танлаган йўлимиз кимларгадир яхши кўриниш ёки сохта обрў учун эмас, халқ фаровонлиги учундир. Бизни бу йўлдаги ишларимизга аралашуви ёки бу йўлдан қайтаришга уринадиган шахслар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз.

Президент ўз маърузасида 2005 йил»Сихат-саломатлик йили»яқунига тўхталиб ўтди.

Ўтган 2005 йилда 38 та шифохона ва сихатгоҳ янгидан қурилган, капитал таъмирланган ва реконструкция қилинган. 93 та даволаш-профилактика муассасаси замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Шу билан биргаликда бир сменада 10 минг 500 беморни қабул қила оладиган амбулатория полклинника муассасалари, 210 та кишлоқ врачлик пунктлари ишга тушарилди. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида янги шифохона, Боғот туманида туғруқхона барпо этилди. Қорақалпоғистон республикаси, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилоятларидаги касалхона лар зарур тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Бу ишларга 1, 5

млярд сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шу билан бирга Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилояти тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилояти /аллаорол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторияси, Фарғона вилояти «Чимён» санаториясида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар аквапарки каби тиббиёт ва ижтимоий иншоотлар барпо этилди. Шулар қаторида Республика шошилинч тиббий хазматининг марказий ва жойлардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ва замонавий алоқа воситалари билан таъминланди.

Тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш масаласида пойтахтдаги 2 та медицина олий ўқув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди. 3 та янги медицина коллежи барпо этилиб, у ерда минглаб талабаларнинг тахсил олиши тиббий кадрлар тайёрлаш ишини яхшилашга хизмат қилади.

Сихат-саломатлик йили давомида оналик ва болалик, репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида қилинган ишлар натижасида чақалоқлар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар 7, 4 %га оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар 6, 8%га камайди. Мамлакатда фаолият юритаётган 9 та скрининг маркази қаторига яна 2 та Урганч ва Навоий шаҳарларида ана шундай замонавий тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг олис ва чекка жойларида яшайдиган аҳолининг тиббий ҳолатини яхшилаш мақсадида 2005 март ва сентябр ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларига «Сихат-саломатлик» тиббий санитар ёрдам поезда юборилиб, 20 мингдан ортиқ киши тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шу билан бирга ёзги таътил мавсумида ХТВ ва Республика Касаба Уюшмалари Федерацияси томонидан 247 минг мактаб ўқитувчиси оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида камқонликка қарши темир моддаси билан бойитилган махсус ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Турли хилдаги юқумли касалликларни юртимизга кириб келишини олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар кўрилиб, биринчи навбатда медицина ходимларидан огоҳлик ва ҳушёрлик талаб қилинмоқда.

2005 йилда ҳам ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломатлигини асраш бўйича амалга оширилаётган ишла давом эттирилиб, хорижлик мутахасислар билан биргаликда, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оилаларга мансуб 2500 дан зиёд болалар атрофлича тиббий кўриқдан ўтказилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда 280 нафар ногирон бола классик операция қилинди.

«Нуроний» шифохонаси негизида 150 ўринли Республика геронтология маркази ташкил этилиб, унда тўрт минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ногиронлар ўз саломатликларини яхшилаш имкониятларига эга бўлди.

Мамлакатимизнинг ихтисослашган тиббиёт марказларида эса 15 минг 570 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар даволандилар. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2500 нафар кўп.

Республикаимизнинг урология, хирургия, кўз хирургияси ва кардиология марказларида 1.5 миллиарддан кўпроқ маблағ сарф этилди. 2005 йилда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг қонуний ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

-«Тиббиёт фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокама этилмоқда.

-«Фуқароларнинг саломатлигини асраш тўғрисида»ги

-«Дори воситалари ва фавмацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

«Сихат-саломатлик йили» дастурида кўзда тутилган долзарб масалалардан бири-аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий қараш ва ёндашувларни шакллантириш бўйича кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб

борилмоқда. Бу борада республика бўйича турли мавзу ва йўналишларда 80 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилиб, уларда 2 млн дан ортиқ киши иштирок этди.

Икки жилддан иборат «Соғлом турмуш тарзи асослари» китоби чоп этилиб, марказий ва минтақавий теле-радио каналлари орқали 1200 дан зиёд кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил этилди.

Ўқувчи ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёҳвандлик ва СПИД каби иллатларни олдини олиш мақсадида замонавий ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизимидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Йил давомида соғлом оила тарғиботига бағишланган кўплаб учрашувлар, суҳбатлар, мусобақалар, спорт ўйинлари ўтказилиб оммалаштиришга катта эътибор берилди. Бу борада хотин-қизларнинг иштироқи ортиб, ўтказилган тадбирларда 3. 5 млн га яқин қизлар катнашди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича спорт сексияларига 2 млн ўқувчи жалб қилинган бўлиб, уларнинг 40%ини қизлар ташкил этади. Кейинги вақтда спорт билан шуғулланаётган ўқувчи ёшлар сони 20% га ордди. 2005 йил давомида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» халқаро беллашувлари ва кураш бўйича жаҳон чемпионати ва бошқа мусобақалар ташкил этилди.

«Сихат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 ноябригача 165 млрд 800 млн сўм маблағ сарф этилди. Хулоса шуки «Сихат-саломатлик йили» бўйича қилган ишларимиз лоақал битта боланинг ҳаётини асраб қолишга, лоақал битта беморни шифо топишига хизмат қилган тақдирда ҳам 2005 йилга шундай ном беришимиз керак эди.

Кириб келаётган ҳар қайси янги йилга орзу ниятлар билан маълум бир ном беришда қандай асосий мақсадлар кўзда тутилади. Ҳамма ишлар қатори, ҳар қайси йилга ном беришда ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, маҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни, кўпчиликни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўзимиз учун устувор вазифа деб белгилаб оламиз.

Янги йилга ном бериш ва шу асосда маҳсус дастур қабул қилиниб, уни амалга ошириш шу юртда яшайдиган барча инсонлар учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, қолаверса, сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир. Лекин ана шу йўналишдаги вазифаларни бир йилда тўла ҳал қилиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Айни вақтда биз ана шу устувор вазифаларни амалга оширишнинг молиявий манбаларини аввал бошдан белгилаб олишимиз керак. Бунда маказий бюджет маблағлари билан бирга, жойлардаги ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлари, биринчи галда, фуқаролик институтлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар, қўлидан амалий иш амалий кўмак бериш келадиган инсонларни ҳам эзгу ишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада тегишли чора-тадбирларни режалаштириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш керак. Биз олдимизга қўйган мақсадларимиз одамларнинг эътиборини жалб қилган, уларнинг кўнгилдан чуқур жой олиб, шу ишга муносиб хисса қўшган тақдирдагина кутилган натижа бериши мумкин.

Президент И. А. Каримов бир фурсат янги тарихга назар ташлаб, 1997 йил юртимизда «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «оналар ва болалар йили», 2002 йил «ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ», 2003 йил «Обод маҳалла йили», 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили», 2005 йил «Сихат-саломатлик йили» сифатида тарихимиздан муносиб ўрин эгаллаганлиги, бу йилларда амалга оширилган ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида янги 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилди.

Президент И. А. Каримов ҳомийлик ва шифокорлик тушунчалари бир-бири билан қундай бағлиқ дейилган фикрга қуйидагича жавоб бериб ўтди. Ҳомийликни шифокор билан қиёслаш, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол. ҳомий, ҳомийлик дегани-бу авваламбор саҳоватли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани. Президент шу тушунчани ҳадис

орқали эслатиб ўтди. «Оллоҳ таоло саҳийдир, саҳийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшилик ни яхши кўради».

Ҳомийлик ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Балки, инсон ҳалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир. Яъни ҳомий деганда, ён атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, кадрдон кишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган. бир сўз билан айтганда, савобли иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизча тасаввур этамиз. Муқаддас Қуръони Каримда зикр этилган «Ҳайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилиш» деган ҳикматли сўзлар орқали тушунишимиз мумкин.

Саҳоватлилик ва олиҳимматлилик ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунинг учун одам юксак фазилатлар соҳиби бўлиши керак. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, саҳоватли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган беғараз ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму-ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидоий шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жондан азиз фарзандига шифо тилаб келган аёлга ўз хизмати ва фидоийлиги билан ёрдам берган шифокор ҳам гўдакка ҳам онанинг безовта қалбига шифо бахш этади. Бу билан ҳеч нима билан ўлчаб бўлмас олижаноблик ва инсоний фазилатларни намоён этади. Юртимизда бундай ўзгалар дардига малҳам бўлиб яшаётган минглаб шифокорлар бор, шундай фидоий одамларни кадрлаш, уларнинг машаққатли, оғир ва маъсулиятли маҳнатларини ҳам маддий ҳам маънавий жиҳатдан муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга етарли эътибор беришимиз керак.

2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинар экан биригчи навбатда ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш. Бу масалани қонуний базасини яратишни, бундай беғараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш кўзда тутилади. Шу мақсадда ҳомийлар бундай ҳайрли ишларни ўз ҳаётининг узвий бир қисми даб хис қилиши учун уларга давлатимиз томонидан ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар яратиб бериш билан биргаликда, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш учун ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги низомни қабул қилишимиз зарур.

Айни пайтда бутун халқимизнинг айниқса ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саҳоват фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимиз бўлмиш бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласини эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Табиатан ёки қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юришмай турган инсонлар борлигини ҳам унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур.

Шифокорлар ҳақида гап кетганда, бу борада бошланган ишларимизни изчил давом эттириб, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб турмуш ва меҳнат шароитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Бу борада кун кеча оммавий ахборот воситаларида «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тазамини такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилинган қарор элон қилинди. Бу қарорга биноан 2006 йил январ ойидан бошлаб тиббиёт ходимларининг ойлик таъриф сеткасини такомиллаштириш, уларга малакаси, бажарадиган ишининг мураккаблиги, билими ва тажрибаси ҳамда ўз касбини адо этишда, одамларни даволашда қўшаётган хиссасини инобатга олган ҳолда маош белгилаш ва рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шундай меъзон асосида уларнинг иш ҳақи миқдорини 30% гача ошириш кўзда тутилмоқда. Энди олдимизда турган фазифа ана шу олдимизга қўйган мақсадларни жойларда ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Чунки меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ҳар бир тиббиёт ходими бу қарорнинг амалий таъсирини ўз ҳаётида кўрсин.

2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном берилиши айтилган вақтда «Сихат-саломатлик йили»нинг мантиқий ва узвий давоми бўлади. Ҳар йилги тажрибаларимиздан келиб чиқиб, биз янги йил бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб оламиз.

И. А. Каримов ўз сўзининг охирида «Ўзининг 15 йиллик тараққиёт йўли давомида улкан давонларни босиб ўтган, ҳар қандай синов ва машаққатларни енгишга қодир бўлган, халқимизнинг буюк иродаси, азму-шижоатига таяниб, биз ўз олдимизга қўйган янги ва юксак марраларга, албатта, етамиз «деб ишонч билдирди».

Мустахкамлаш учун тест саволлари.

1. 2005 йил декабрда Республикада неча врачлик пункти ишга туширилди ва фаолият кўрсатмоқда?

А) 200 та В) 205 та С) 210 та Д) 215 та Е) 220 та.

2. Ҳомийлик - бу қандай тушунча?

А) Ҳомийлик ва шифокорлик бир хил тушунча.

В) Ҳомийлик ва шифокорлар одамларга шифо беради.

С) Ҳомийлик, ҳомий бу одамларга саховатли бўлишлик.

Д) Ҳомийлик, ҳомий бу одамларга беғараз ёрдам бериш демак.

Е) С, Д жавоблар тўғри.

Тестлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг биринчи қўшма мажлиси қачон бўлган?

А. 2005 йил 27 январ.

Б. 2005 йил 28 январ.

С. 2006 йил 7 декабр.

Д. 2007 йил 14 январ.

2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга эътибор қайси мажлисда илгари сурилди?

А. Ўзбекистон Олий мажлисининг 27 январ 2005 йил сенат аъзоларининг мажлисидаги Президент маърузасида.

Б. Ўзбекистон Олий Мажлисининг 27 январдаги қонунчилик палатасининг аъзоларининг мажлисидаги президент маърузасида.

С. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг 2005 йил 9 январдаги мажлисида.

Д. 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида.

3. Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қанча кишини ташкил этади?

А. 158 Б. 715 С. 416 Д. 386

4. Ўзбекистон Жаҳондаги қайси йирик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда?

А. АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Корея...

Б. АҚШ, Россия, Германия, Франция, Туркия...

С. АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция...

Д. Россия, Япония, Хитой, Франция, Германия, Франция, Италия ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари билан.

5. Курони Каримда»Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан шошилинг», хадисдаги»Оллоҳ таоло саҳийдир, саҳийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши кўради»деган ҳикматни Президентимиз И. А. Каримов қайси маърузасида баён этган.
- А. Тарихий хатирасиз келажак йўқ.
 Б. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият.
 С. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.
 Д. мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш.
6. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси қачондан бошлаб бекор қилинади?
- А. 2006 йил 1 январ
 Б. 2007 йил 1 август.
 С. 2008 йил 1 август
 Д. 2008 йил 1 январ.
7. Қуролланган жиноятчилар Андижон вилоятида қачондан тўплана бошлаган ва ким етакчиси бўлган?
- А. 3 май 2005 йил. А. Йўлдошев.
 Б. 12 май 2005 йил. А. Йўлдошев
 С. 3 май 2005 йил. Қ. Парпиев
 Д. 12 май 2005 йил. Қ. Парпиев.
8. Андижондаги террорчилик ҳаракатида неча нафар жангари иштирок этган?
- А. 30 Б. 20 С. 260. Д. 300
9. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини қачон судларга ўтказилади?
- А. 2005 йил 8 августдан.
 Б. 2006 йил 1 январдан.
 С. 2007 йил 1 январдан.
 Д. 2008 йил 1 январдан.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига(89-моддаси, 93 моддаси 15-банди, 102 модданинг 2- қисми)киритиладиган ўзгаришлар қачондан кучга киради?
- А. 2006 йил 1 январ.
 Б. 2007 йил 1 январ.
 С. 2007 йил 9ноябр.
 Д. 2008 йил 1 январ.

А Д А Б ИЁ Т Л А Р.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. И. А. Каримов. »Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Маърифат . 19 январ. 2005 йил. 8-сон.
3. »Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳамда манфаатлари энг олий қадрият». Маърифат. 10 декабр. 2005 йил. 98-сон.
4. Андижон сабоқлари. Диёнат. 7 июл. 2005йил. 27 сон.
5. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида. Президент фармони. диёнат. 4 август. 2005 йил. 31-сон.

6. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида». Президент фармони. Дирёнат. 2005 йил. 11 август. 32-сон.
7. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси. Ўзбекистон овози. 2006 йил 14 январ. 135-сон.
8. Конституциянинг айрим моддаларига»89 модда, 93 модданинг 15-банди, 102 модданинг 2-қисми» тузатишлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси. Ўзбекистон овози. 2006 йил. 14 ноябр. 135-сон.